# JÁMIYETLIK HÁM EKONOMIKALÍQ ILIMLER

**Huqıqtanıw**

## АТРОФ ТАБИИЙ МУҲИТНИНГ РАДИОАКТИВ ИФЛОСЛАНИШИ ОҚИБАТИДА ЮЗАГА КЕЛАДИГАН ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ОИД МАСАЛАЛАР

**К.Р.Бабаназаров -** *катта илмий ходим изланувчи*

*Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети*

**Таянч сўзлар:** радиациявий хавфсизлик, юридик жавобгарлик, жавобгарлик турлари, радиация таъсири, қонун ҳужжатлари.

**Ключевые слова:** радиационная безопасность, юридическая ответственность, виды ответственности, влияние радиации, законодательные акты.

**Key words:** radiation safety, legal liability, kinds of responsibilitiy, influence of radiation legislative acts.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун қўлланиладиган асосий жавобгарлик турларидан бири фукаролик-ҳуқуқий жавобгарлик бўлиб, у табиат объектларига мулкий зарар етказилганда келиб чиқади. Бу жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури ҳисобланиб, экологик муносабатларда табиий бойликлар эгаси, мулкдори, фойдаланувчисига нисбатан мулкий зарар, яъни ерни, сувни, ҳавони ифлослантирганлик, ишдан чиқарганлик каби ҳолатларда қўлланилади.

Атроф табиий муҳитнинг радиоактив ифлосланиши оқибатида етказилган зарар ҳар хил кўринишда намоён бўлади. Биринчидан, табиий объектлар нобуд бўлади, уларнинг ҳолати ёмонлашади. Иккинчидан, юридик ва жисмоний шахсларнинг моддий манфаатларига зиён етказилади; масалан, атмосфера ва сувларнинг ҳолати ёмонлашиши оқибатида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нобуд бўлади ёки ҳосилдорлик пасайиб кетади. Учинчидан, инсон саломатлигига зиён етказилиб, одамларнинг касалланиш ҳоллари (даражаси) кўпаяди. Атроф табиий мухитга етказилган зарарнинг таркибига қуйидагилар киради: ҳақиқий етказилган зарар, экологик зарарнинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган ҳаражатлар, олинмаган даромадлар ва бошқалар.

Ҳақиқий етказилган зарарга нобуд бўлган ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектларининг қишлоқ хўжалик экинларининг қиймати киради. Табиий объектларни тиклаш, ифлосланган сувларни тупроқ ва ҳавони тозалашга кетган ҳаражатлар ҳамда экологик зарар оқибатларини бартараф этишга қаратилган бошқа сарф-ҳаражатлар мажбурий ҳаражатларни ташкил этади. Олинмаган даромадга шу табиий объектнинг фойдаланишидан келиб тушиши лозим бўлган, аммо унинг нобуд бўлиши ёки ёмонлашуви оқибатида олинмаган ёхуд олиш имконияти йўқолган даромадлар киради, масалан, тупроғи кимёвий моддалар билан ифлосланган ер майдонидан тушадиган даромад олинмаган даромад ҳисобланади.

Объектининг ўзига хосликлари ва ҳуқуқий муносабатларининг мураккаблиги билан боғлиқ равишда атроф табиий муҳит муҳофазаси соҳасидаги фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ўзига хос хусусиятларга эгадир. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик натижасида етказилган зарар учун қўлланилади. Ушбу жавобгарликка тортишдан мақсад экологик қонун ва талабларни бузганлик оқибатида етказилган зарарни ўз вақтида қоплашдан иборатдир.

Қонун талаби ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликнинг келиб чиқиши учун қўйидаги шартлар бўлиши лозим: етказилган иқтисодий, экологик ва мулкий зарарнинг мавжудлиги; экологик ҳуқуқ нормаларни бузганлик учун айбнинг мавжудлиги; қилинган ижтимоий ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонунга хилофлиги; экологик ва иқтисодий зарар охирги зарурат ва зарурий мудофа туфайли етказилган бўлса, суднинг ушбу ҳолат юзасидан жазо чорасини белгилашдир [1:326].

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси маълумотларига кўра, 2014 йилда жами 3 млрд 23 млн. сўмлик жарима ундирилган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 33 фоизга ортиб 4 млрд 34 млн. сўмни ташкил этган. Браконъерлардан ҳисобот даврида 216 та ов қуроли ва 1976 та тўр олиб қўйилган [2:5].

Экологик зарарни ҳисоблаш табиий объектга радиоактив ифлосланиши оқибатида етказилган зиён миқдорига, унинг йўқ қилиб ташланганлик даражасига, ҳосилдорлигини бутунлай йўқотилишиги сабаб бўлган ифлослантирилганлик даражасига, ерларни ҳосил бермайдиган тупроқ билан кўмиб юборилганлигига, заҳарли моддалар билан ифлослантирилганлигига боғлиқдир.

Экология қонунчилигини бузганлик учун юклатиладиган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузар зиммасига жабрланган томон кўрган зарарни натура шаклида (реал қоплаш) ёки пул шаклида қоплаш мажбуриятининг юклатилишидан иборатдир. Бу зарар атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий талабларнинг бузилиши натижасида юзага келади [3:123].

Жавобгарликнинг бу тури экологик ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда етказилган зарарни қоплаш бўйича амалга ошириладиган фаолиятнинг асосий таркибий қисмидир. Айбдорлар жиноий, маъмурий ёки бошқа юридик жавобгарликка тортилганликларидан қатъий назар бундай жавобгарликка ҳам тортилади.

Экологик ҳуқуқбузарликлар учун юклатилган фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик нормалари ҳуқуқ тизимида қандай ўрин тутади, деган савол пайдо бўлиши мумкин. Кейинги йилларда юридик адабиётларда ушбу муаммога

катта эътибор қаратилмоқда. Баъзи муаллифларнинг фикрича, табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчиликни тараққий этиши ва такомиллашиши ҳамда бир тизимга солиниши билан боғлиқ равишда табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик нормалари санкциялари табиатни муҳофаза қилиш ҳуқуқининг мустақил бўлимига айланади. Ҳозирча эса, ушбу институтнинг таъсир доираси муносабатларнинг конкрет турларига ва усуллари хусусида фикр юритиш имкониятига эга бўлиш учун табиатни муҳофаза қилиш борасидаги қонунчилик нормалари диспозициялари ва санкцияларини ҳуқуқнинг бошқа соҳаларидан ахтаришга тўғри келади [4:55].

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 49-моддасига биноан атроф муҳитга, одамлар саломатлигига ва давлатга атроф муҳит муҳофазаси тўғрисидаги қонунчиликни бузиш оқибатида зарар етказган юридик ва жисмоний шахслар зарарни қоплашлари шарт. Бу модда Фуқаролик кодексининг 985-моддасида назарда тутилган зарарни қоплаш тўғрисидаги умумий қоидаларни назарда тутади.

Фуқаролик қонунчилиги бўйича зарар деганда ҳуқуқи бузилган шахсга қилган ёки қиладиган ҳаракатлар англашилади, бундан ташқари унинг мулки йўқотилган ёки шикастлантирилган бўлиши мумкин. Шунингдек, унинг ҳуқуқлари бузилмасдан, ишлари одатдагидек юришиб турганда олиши мумкин бўлган, аммо олинмай қолган фойда ҳам шу ҳисобга киради.

Хулоса сифатида таъкидлаш керак, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликни амалга ошириш билан биргаликда энг асосий вазифамиз аҳоли ўртасида кенг турда тарғибот-ташвиқот ишларини оммавий тарзда олиб бориш ҳисобланади. Шу асосда ҳар бир фуқаронинг атроф табиий муҳитга бўлган дунёқараши анча даражада юқори бўлади ва биргаликда бу фаолиятни амалга оширишга ёрдам беради.

**Адабиётлар**

1. Холмўминов Ж.Т. Экологик таҳдидларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳуқуқий муаммоларнинг илмий-назарий таҳлили. Монография. –Т.:ТДЮУ, 2016, 326-б.
2. Самарали фаолиятдан янги мақсадлар сари. Ўзбекистон Республикаси ТМҚнинг 2015 йилдаги фаолият юзасидан Ҳисобот. //Экология хабарномаси. 2016, № 4, 5-б.
3. Колбасов О.С. Правовые исследования по охране окружающей среды в СССР.- М.: ВНИИТИ, 1978. –С.123.
4. Осипов Н.Т. Методы правовой охраны окружающей среды. - Л.: 1979, - С. 55.

**РЕЗЮМЕ**

Мақолада юридик жавобгарлик мезонлари ва қонун ҳужжатлари нормалари ҳам кўриб чиқилади. Мақолада шунингдек, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги жавобгарликнинг юридик табиати ва турлари ўрганилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются критерий и нормы законодательных актов в юридической ответственности. В статье также изучаются юридическое значение и виды ответственности в сфере обеспечения радиационной безопасности.

**SUMMARY**

The article deals with the criteria and norms of legislative acts regulations in legal liability. In the article the author also examines legal significance and types of responsibility in the field of providing radiation safety.

**Tariyx**

# НӨКИС ҒӘРЕЗСИЗЛИК ЖЫЛЛАРЫНДА

**З.Б.Есназарова –** *тарийх илимлериниң кандидаты*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалык институты*

**Таянч сўзлар:** Қорақалпоғистон, мустақиллик, ислоҳотлар, пойтахт Нукус, маъмурий марказ, инфраструктура, бюджет, шаҳар қурилиши, Ҳаракатлар стратегияси.

**Ключевые слова:** Каракалпакстан. независимость, реформы, столица Нукус, административный центр, инфрастуктура, бюджет градостроительства, приоритетные стратегии.

**Key words:** Karakalpakstan, independence, reforms, the capital the city of Nukus, administrative center, infrastructure, city planning budget, priority strategies.

Мәмлекетимизде тынышлық, татыўлық ҳәм халқымыздың пидайылық мийнети себепли мәмлекетимиз ҳәр тәреплеме раўажланбақта. Барлық аўыл ҳәм қалаларда кең көлемли қурылыс, абаданластырыў ислери әмелге асырылып, халықтың турмыс дәрежеси раўажланып бармақта. Өзбекстан Республикасы Биринши Президенти И.А.Каримов тәрепинен қалаларымыз бас жойбар тийкарында қайта қурылды. Буған мысал ретинде Нөкис, Ургенч, Бухара, Андижан, Ферғана, Наманган, Қаршы, Термиз ҳәм басқа да қалаларды айтып өтсек болады.

Нөкис Қарақалпакстан Республикасының тымсалы сыпатында, ғәрезсизлик жылларында толық дәрежеде дөретиўшилик ислериниң орайына айналды. Бул жерде миллий қәдириятларға сәйкесленген архитектура мектеби дүзилди. Олардың басшылық, шөлкемлестириўшилик ҳәм дөретиўшилик хызметлери арқасында Нөкисте күннен-күнге көркейип баратырған, үлкен, көп қабатлы жайлар қәд көтерди.

Бир ғана 1996-жылы 371000 м$^2$ турақ жай пайдаланыўға тапсырылды, соннан 327446 кв.м. қала халқы есабынан, тек 4351 м$^2$. кәрханалар ҳәм мәкемелер есабынан қурылды.

Бизиң мағлыўматларымыз бойынша, 2005-жылы Нөкис қаласында 602 көшеге, көп қабатлы үйлерге, хызмет көрсетиў объектлери болған 8 киши районға ийе еди. Соның 1551905 кв.м.млн. майданы турақ жай объектлери менен бәнт еди. Улыўма жер майданының 2217895 м$^2$